
Ўзбекистон туманилик мутахассис Марказий Осиё волейбол ассоциацияси вице-президентлигига сайланди

Тайланднинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё волейбол ассоциациясининг (CAVA) Бош ассамблеяси йиғилишида ўзбекистонлик мутахассис мазкур ташкилотнинг вице-президенти этиб сайланди.

Ассамблея йиғилишида минтақада мазкур спорт тури оммавийлигини янада ошириш, малакали ҳакам ва мураббийларни тайёрлаш каби масалалар кўриб чиқилди. Ташкилот раҳбарияти таркиби кейинги тўрт йилга сайланди, дейилади Миллий олимпия қўмитаси хабарида.

Марказий Осиё волейбол федерацияларининг делегатлари томонидан овоз бериш йўли билан ўтган сайловда CAVAning амалдаги раҳбари, Муҳаммад Латиф янги муддатга ташкилот президенти вазифасини эгаллаган бўлса, Ўзбекистон волейбол федерацияси бош котиби Фарҳод Алимов Марказий Осиё волейбол ассоциацияси вице-президенти вазифасига сайланди.

Маълумот ўрнида, яйпанлик 42 ёшли Фарҳод Алимов тумандаги 49-мактабда таҳсил олиб, ёшлигиданоқ спорт бўлган қизиқиш уни туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабига етаклаган. Дастлаб, туман волейбол жамоасида узоқ йиллар ўйнаган спортчи, кейинчалик мамлакатимиз терма жамоаси таркибида ҳам кўплаб салмоқли натижаларга эришган.

Спортни кенг миқёсда ривожлантиришдаги ишларида тумандошимизга муваффакият ва улкан зафарлар тилаймиз.

2024-02-09 11:52:07